

Кармана тумани

2022 йил “6” май

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Қуий Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Назаров Жасур Зайниддинович** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган **ООО "МАНМУД HASAN"** номидан Низом асосида иш кўрувчи **У.Насуллаев** иккинчи томондан Қуий Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги Хатирчи туманидаги ЭЦВ 10-160-35 3шт, ЭЦВ 8-40-60 3шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, Навбахор туманида ЭЦВ 10-160-35 2шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт, Қизилтепа тумани ЭЦВ 10-160-35 6шт, ЭЦВ 8-40-60 1шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, ЭЦВ 10-120-55 2шт, Кармана тумани ЭЦВ 10-160-35 1шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмираш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтларни ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилаб кўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: сифати ва яқунилигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объекти умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хатирчи туманидаги ЭЦВ 10-160-35 3шт, ЭЦВ 8-40-60 3шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, Навбахор туманида ЭЦВ 10-160-35 2шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт, Қизилтепа тумани ЭЦВ 10-160-35 6шт, ЭЦВ 8-40-60 1шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, ЭЦВ 10-120-55 2шт, Кармана тумани ЭЦВ 10-160-35 1шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмираш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “5” майдаги “76914/1” сон баённома ЛОТ №76914) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 125 937 841 (Бир юз йигирма беш миллион тўққиз юз ўтгиз етти минг саккиз юз қирқ бир) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда смета ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “ ” иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларни ҳамда вақтинчалик бинопарлан бўштамиш.

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараённида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объекктнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади, бу 37 781 352 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объекктнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 0 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объекктнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида сақлаб қолади. Объекктнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объекктнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлумда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор киласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мавсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарип ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартарафа этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибиға мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнода қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниклануб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
 - пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг % фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг % фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг % фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг % фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг % фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шакастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни коплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқлади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакикий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома имзоланган санадан бошлаб **31.12.2022** йилгача амал қиласи ва **2** нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

ООО "MAHMUD HASAN"

Манзил. Гиждувон тумани

Банк: АТ Халқ банк Гиждувон филиали

Х/Р 20208000705220256001

МФО _00666_ ИНН 307371293

Раҳбар: У.Насуллаев
М.У. (имзо)



Пудратчи:

Қуий Зарафшон ИТҲБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси

Кармана тумани Аргун МФЙ

Банк: Марказий банк ББ ҲҚҚМ

Х/Р: 100021860122347042402170005

МФО: _00014_ ИНН: 200035464

Раҳбар: Ж.Назаров
М.У. (имзо)



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хукукий экспертизадан ўтказиш Қуий Зарафшон ИТҲБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ва ООО “МАНМУД HASAN” билан Хатирчи туманинда ЭЦВ 10-160-35 3шт, ЭЦВ 8-40-60 3шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, Навбахор туманинда ЭЦВ 10-160-35 2шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт, Қизилтепа тумани ЭЦВ 10-160-35 6шт, ЭЦВ 8-40-60 1шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, ЭЦВ 10-120-55 2шт, Кармана тумани ЭЦВ 10-160-35 1шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмирлаш ишлари учун 2022 йил 6-майдаги 12-сон шартнома, умумий суммаси 125 937 841 (Бир юз йигирма беш миллион тўққиз юз ўттиз етти минг саккиз юз қирқ бир) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, ушбу Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хукуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хукуқшунос :

М.ў.

Х. Эргашев

“ ” 20 йил

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 76914 на приобретение ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 05.05.2022

Время рассмотрения 05.05.2022 16:42

Конкурсная комиссия Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|-------------------------------------|--|----------|
| Председатель комиссии | ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH | Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари | НС ва ЭБ |
| Секретарь комиссии | ELMURADOV ALISHER SAIDOVICH | Бухгалтерия хисоби ва иқтисодий таҳлил хизмати бо'limiga Бош мутахассис | НС ва ЭБ |
| Член комиссии | SHONIYOZOV ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH | Насос станцияларни эксплуатация қилиш ва механик ускуналарни таъмирлаш бо'limiga Бош механик | Нс ва ЭБ |
| Член комиссии | XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH | Кармана Цех станокли заготовка ва металларга ишлов бериш, ускуналарни таъмирлаш бо'limiga Бўлим бошлиғи | Нс ва ЭБ |
| Член комиссии | JURAYEV SALIM TURAKULOVICH | Автоматика ва назорат ўлчов аппаратлари, иншоотлар ва ускуналарнинг релейли ҳимояаси бо'limiga Бўлим бошлиғи | Нс ва ЭБ |
| Член комиссии | RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH | Моддий техник таъминот ва таъминлашни ташкил этиш бўлими бо'limiga Бўлим бошлиғи | Нс ва ЭБ |
| Член комиссии | ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH | Кармана Подстанция ва электр тармоқлари участкаси бо'limiga Участка бошлиғи | Нс ва ЭБ |
| Член комиссии | RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LII | Насос станцияларидаги электротехника жихозларини эксплуатация қилиш бо'limiga Бўлим бошлиғи | НС ва ЭБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.05.2022 года № лота 76914.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по капитальному ремонту насоса |
|--------------------------------------|---|
| Подробное описание | Хатирчи туманидаги ЭЦВ 10-160-35 3шт, ЭЦВ 8-40-60 3шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, Навбахор туманида ЭЦВ 10-160-35 2шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт, Қизилтепа тумани ЭЦВ 10-160-35 6шт, ЭЦВ 8-40-60 1шт, ЭЦВ 12-255-30 1шт, ЭЦВ 10-120-55 2шт, Кармана тумани ЭЦВ 10-160-35 1шт, ЭЦВ 8-40-60 2шт ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмирлаш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за | 129 937 841.00 |

| | |
|-----------------|----------------|
| единицу | |
| Стартовая сумма | 129 937 841.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган)

Тип: Текстовое значение

Описание: тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | Туловга қодирлиги 1,25 коэф. | 10 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | бор | 1 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Банк маълумотномаси + баланс | 6 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohali mehr-shavqat salomatlik XK | 10 | Баланс | 6 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш учун белгиланган маблағларни камидага 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш учун белгиланган маблағларни камидага 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|-------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | 30 фоиз айланма маблаг мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | бор | 1 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Банк маълумотномаси | 6 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohali mehr-shavqat salomatlik XK | 10 | Корхона етарли айланма маблағга эга | 6 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган доимий ишловчи мутахассисларни мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган доимий ишловчи мутахассисларни мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | Мутахассислар бор | 8 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | Мутахассислар бор | 5 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Корхонада ходимлар етарли | 3 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN korp sohali mehr-shavqat salomatlik KK | 10 | Корхона ишларни вақтида топшириш учун етарли ходимларга эга | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | техникалар соз холатда | 10 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | 15 | 5 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Корхона иўларни бажаришда транспорт харажатларини ўзи амалга оширади ижа | 3 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN korp sohali mehr-shavqat salomatlik KK | 10 | Корхона насос таъмирлаш учун барча зарурий ресурсларга эга | 6 | Экспертная | | |

Критерий №5 Солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлик йўқлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлик йўқлиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---------------------------|-----------|-------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | солик карздорлиги мавжуд эмас | 9 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | бор | 1 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Солиқдан Қарздорлик мавжуд эмас(пеня) | 7 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohalı mehr-shavqat salomatlik XК | 10 | Солиқ маълумотнома | 7 | Экспертная | | |

Критерий №6 ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган)

Тип: Текстовое значение

Описание: ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | 0,2 коэф | 10 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | бор | 1 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Банк маълумотномаси | 6 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohalı mehr-shavqat salomatlik XК | 10 | Корхона етарли айланма маблағларига эга | 6 | Экспертная | | |

Критерий №7 Насос агрегатлари, ЭЦВ русумли насослар, электро двигателлар ва трансформаторларни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камидаги 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Насос агрегатлари, ЭЦВ русумли насослар, электро двигателлар ва трансформаторларни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камидаги 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО МАХМУД HASAN | 10 | иш тажриба бор | 7 | Экспертная | | |
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 10 | бор | 3 | Экспертная | | |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 10 | Жамиятимиз 10 йилдан ошиқроқ вақт давомида таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келади | 1 | Экспертная | | |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohalı mehr-shavqat salomatlik XК | 10 | Бажарилган ишлар далолатномаси | 7 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|-----------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 129 937 841.00 | 129 937 841.00 | 04.05.2022 11:31:36 | |
| ООО МАХМУД HASAN | 129 937 841.00 | 125 937 841.00 | 01.05.2022 12:40:43 | 40.00 |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 129 937 841.00 | 129 000 000.00 | 05.05.2022 04:14:21 | 39.05 |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohali mehr-shavqat salomatlik XK | 129 937 841.00 | 128 500 000.00 | 05.05.2022 05:38:33 | 39.20 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| SHOXRUX ASADBEK TRANS МЧЖ | 14.4 | | 14.4 |
| ООО МАХМУД HASAN | 54.6 | 40 | 94.6 |
| "ELECTRO PLAST" МЧЖ | 27.6 | 39.05 | 66.65 |
| AL-ZUHRIDDIN ko p sohali mehr-shavqat salomatlik XK | 36.6 | 39.2 | 75.8 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 76914 от 05.05.2022 года на приобретение ЭЦВ русумли насосларни тубдан таъмирлаш определила победителем:

ООО МАХМУД HASAN
307371293

и резервный исполнитель: AL-ZUHRIDDIN ko p sohali mehr-shavqat salomatlik XK (200038706)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|--------------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | SHONIYOZOVA ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | JURAYEV SALIM TURAKULOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LII | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП